



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 01 (778)
2022 йил
13 январь,
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

2022 йил – инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили



БОШНАСИБ БОРНИНГ БОШОҒРИҒИ ЙЎҚ

Президентимизнинг инсон қадрини биринчи ўринга қўйиши бежиз эмас. Чунки шу биргина гап моҳиятида инсон учун керакли ҳамма нарса мужассам.

Аслида, бу ғоя бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бу Шавкат Мирзиёевнинг доимий принципи, ҳаётда кўриб-кечирганларига асосланган мақсадидир.

У кишининг давлат раҳбари сифатидаги биринчи қарорлари эсингиздами? Ҳа, улар 2017–2021 йилларда кишлоқ жойларда ҳамда шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш тўғрисида эди. Бу қарорларнинг биринчиси 2016 йил октябрда, иккинчиси ноябрда қабул қилинган. Демак, Шавкат Мирзиёев ўша йили сентябрда Президент вазифасини бажарувчи бўлиши биланоқ, бу бўйича топшириқ берган, ҳужжатларни тайёрлашга бир-икки ой вақт кетган.

Хўш, давлат раҳбари нима учун бу масалага бунчалик эътибор қаратди? Чунки инсонни қадрлашнинг биринчи омили бу уй-жой, муносиб турмуш шароити.

Давлатимиз раҳбари халқ ичидан чиққан, халқнинг дардини яхши билган инсон. Туғилган кишлоғида, борган жойларида одамлар қандай яшаётганини синчковлик билан кузатган раҳбар. Ўша пайтда уй олиш, боласини ватанли қилиш ёшу қари учун катта ташвиш эди. Буни одамларнинг кўзларидан уқарди.

Мисол учун, 1991 йилда Ўзбекистон аҳолиси 20 миллион киши бўлган. 2016 йилда эса 32 миллион атрофида эди. Яъни аҳоли сони 50 фоиздан зиёд кўпайган. Лекин уйлар-чи? Шунча яраша уйлар қурилди? Шунча аҳоли, ёш оилалар қаерга қўчиб чиқди? Шунинг учун, ҳам бу муаммо катталашиб борди. Кўплар бола-бақраси билан сифинди бўлиб юрди. Олтмишга кириб ўз уйи бўлмаган, бир ховлида беш келин қайнона-қайнотаси билан яшаётган оилалар ҳам бор эди.

Президентимизнинг ўзи ҳам ёшлигида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган. Тошкентда 15 йил ижарада яшаган. Институтда муваффақиятли ишлаб, ҳатто Москвада номзодлик диссертациясини ёқлагандан кейин ҳам “прописка” беришмаган.

Шунинг учун, давлатимиз раҳбари одамларнинг орзуларини ушалтиришга жон-жаҳдини бағишлади. Кўплаб лойиҳалар, хусусан, арзон уй-жойлар дастури асосида охириги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва яқка тартибдаги уйлар қурилди. Бу кўрсаткич ундан олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп! Илгари юртимизда ҳеч қачон бундай катта кўламдаги қурилиш бўлмаган.

Яна бир жиҳати, шароити оғир оила-

ларга уй-жойнинг бошланғич бадаллари давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилаяпти.

Бундай ишлар давом этяпти. Хусусий компаниялар қураётган турар жойлардан ташқари “Янги Ўзбекистон” массивлари деган катта ҳаракат бошланди. Жорий йилда Қорақалпоғистон ва вилоятларда 29 та шундай замонавий мавзе барпо этилади. Келгуси беш йилда бундай массивларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланар экан.

Энди ўзингиз ўйланг, ҳар бир оилада ўртача 4–5 кишидан бўлса, 1 миллиондан зиёд аҳоли обод манзилларга қўчиб чиқади. Мактаб, боғча, поликлиника, спорт майдони, иш жойи ва энг яхши хизматлар ёнида бўлади. Бундай жойда одам маза қилиб яшайди.

Бу ҳам инсон қадри учунми? Албатта, инсон қадри учун!

Қатъият натijasи

Жиззахлик нуронийлар шундай гурунг беради: 1996 йилда Мирзиёев ҳоким бўлиб келганда Жиззахда завод у ёқда турсин, нон сотадиган дўкон ҳам йўқ эди. Вилоятга меҳмонлар келса, овқатланишига тузукроқ ошхона топилмасди. Бюджет, иш ўринларини гапирмасаям бўлади.

Шавкат Мирзиёевнинг ўзи ҳам киши ойда ҳоким этиб тайинланган. Яшаш жойига борса, томидан чакка ўтаётган бўлган. Шу аҳволдаги вилоятни оёққа турғизди. Аккумулятор заводини қурди, труба заводини тиклади, кишлоқ хўжалиги зарардан фойдага чиқди.

Айниқса, ҳозир Жиззахга бориб кўринг! Ҳар қадамда дўкон, ресторан, меҳмонхона, саноат корхоналари, маиший хизмат уйлари. Охириги беш йилда вилоятда 3 мингдан зиёд лойиҳа ишга туширилган. Илгари ишбилармонлар Жиззахдан ҳеч нарса сўрамаган бўлса, энди бориб маҳсулотларига навбатда турибди. Базальт толаси ва арматураси, пластмасса қувурлар, мева-сабзавотлар чет элларга экспорт қилиняпти.

Энг муҳими, қанча одам ишли бўлди, уйига ойлик олиб борапти. Тадбиркорлик қилиб, экин экиб, даромад топяпти. Қўли-

да имкони бўлгандан кейин инсон тинч, хотиржам яшайди, фарзандларини ўқитади, соғлиғига қарайди. Инсон қадри шу эмасми?!

Маълумки, кадрлар сиёсатида ротация деган амалиёт бор. Лекин илгари бошқа вилоятга ишга тайинланган инсон қаерда яшайди, деб ҳеч ким ўйламасди. Масалан, андижонлик прокурорни олиб, Хоразмга юборарди. Унинг уйи, бола-чақаси нима бўларди, ойлигининг қанчаси ижарага кетарди?

Президентимиз бу борада ҳам тартиб, адолатни жойига қўйди. Давлат органларининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари учун хизмат уйлари қурилди. Ҳозир бирон ҳоким бошқа ҳудудга тайинландиган бўлса, ижарага турар жой излаб юрмайди, хотини, болалари билан чакка томган уйга бормади. Аввал хизмат уйи билан таъминланиб, ҳамма шароитлар яратилиб, кейин ишга қўйилмоқда.

Қаддимизни кўтардик

Инсон қадри яна тенглик, эмин-эркин яшаш ҳам демақдир. Лекин, сир эмас, узок йиллар мамлакатимизда фуқаролик ва ички миграция билан боғлиқ кўп чекловлар бор эди. Тошкент шаҳрида “прописка” олиш азоб эди. Юртимизда йигирма йиллаб яшаб, болалари улғайиб, лекин тўла ҳуқуқли фуқаро бўлмаганлар сон мингта эди.

Муаммога тақиқ қўйиш осон. Соҳа вакилларига қўйса, яна 20 йил шу тахлит ўтираверарди. Давлатимиз раҳбари ҳар икки масалада ҳам аҳоли томон бўлди. Ақлли, адолатли тизим яратди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ишлатди.

Бунга иши тушмаганларга билинмаслиги мумкин. Лекин охириги йилларда фуқаролик ёки “прописка” олганлар билан гаплашинг, уларнинг кўзига қаранг! Улар учун бу ҳаёт-мамонтдек эди. Бугун елкасидан тоғ ағдарилган. Бемалол уйлар оляпти, ишга қиряпти, тўйлар қияпти.

Шу ўринда бир мисол: 1992–2007 йилларда, яъни 15 йил давомида республикамизда бор-йўғи 482 киши фуқаролик олган бўлса, биргина 2019 йилда 5 минг 650 нафар юртдошимиз шундай бахтга муяссар бўлди.

Ўша йили қонунчиликка ўзгартириш киритилиб, 1995 йилгача юртимизга қўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаро-

лигини тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланди. Натижада, 2020 йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Ўтган йили бу борадаги имконият янада кенгайтирилди. Яъни 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон фуқаролиги бериладиган бўлди. Бу ўзгариш билан яна 20 минг киши Ўзбекистон фуқаролигини олиш имкониятига эга бўлади.

Тасаввур қиялпсизми, қанча инсон кадр топди. Илгари елкаси қисилиб, бекиниб юрган бўлса, энди ҳамма билан тенг, эмин-эркин яшаяпти. Билимли ёшлар, иқтисодий фаол аҳоли эркин ҳаракатланиб, ўзига муносиб иш топмоқда, бу билан мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётир.

Рўшнолик

Инсон қадри ғояси бугун пайдо бўлмаган дедик. Булар охириги беш йилдаги ишлардан бир-иккитаси, холос. Мажбурий меҳнат тугатилгани, маҳкумлар афв этилгани, “Меҳр” операциялари каби яна кўп хайрли ишлар ҳам борки, уларнинг замирида минглаб инсонлар тақдири ётибди.

Ҳатто ўша, валюта айрибошлаш, пластик карточкадан нақд пул олиш каби оддий-оддий масалалар ҳам аслида кўламига кўра жуда катта. Чунки бу қулайлик мамлакатимиздаги ҳар бир оилага, ҳар бир инсонга дахлдор. Энди одамлар аввалгидай картадаги пулини ишлатолмай ёки нақд қиллолмайд юрмайди. Тадбиркорлар хоҳласа, сўмда хоҳласа, хорижий валютада бизнес қияпти. Текшир-текшир, таъқиблар йўқ. Қайтанга, тадбиркорнинг ҳисоб-рақамида чет эл валютасида айланма маблағ бўлса, давлат хурсанд бўляпти.

Булардан аёнки, инсон қадрини улуғлаш, халқларвар давлат дегани қуруқ гап эмас, аниқ мақсад. Бунинг натижаларини аллақачон кўряпмиз, ўз ҳаётимизда сезяпмиз.

Умуман, ҳамма жабҳада жамият ҳаёти эркинлашди, одамлар енгил нафас ола бошлади. Бу ўзгаришларни халқимиз ҳам, дунё ҳам ижобий баҳоламоқда.

Ўзимиз кўриб, баҳра олиб турган бундай ислохотлар Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили, ундан кейинги йилларда ҳам халқимизга кўп рўшнолик олиб келишига ишонч беради.

Анвар САМАДОВ,
журналист

Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан туғилаётган бахслар, ўзаро можаролар, ажралишлар бугунги кунда жамиятимизда жиддий эътибор қаратилиши лозим бўлган масаладир.

Хўш, нима учун бундай ҳолатлар вужудга келяпти? Асл сабаблар нимада? Таҳлилларга қўра, бу муаммонинг бош омили — уларнинг ҳуқуқий билимга етарли даражада эга эмасликлари, оилавий муносабатларга учинчи шахснинг аралашуви ва турмушдаги турли моддиятлар сабаб бўлаётир.

Рақамлардан гапирамиз

Фарғона вилоятида 2021 йилда 32 минг 604 та никоҳ қайд этилди. Мавжуд 21 та ФХДЁ бўлимларида 100 мингдан ортиқ чакалоққа туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 минг 413 тага кўп дегани. Бу рақамлар орқали мамлакатимизда ҳаёт бир маромда одатий давом этаётганидан кувонасиз.

Бирок...

Оила кодексининг 13-моддасига асосан, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Фарзандга туғилганликни қайд этиш гувоҳномасини олиш учун ҳам ўртадаги никоҳ гувоҳномаси бўлиши шарт. Агар никоҳ шаръий бўлса, фарзанд биринчи ўринда оталикка олиниб унинг туғилганлиги қонуний равишда қайд этилади.

Ўтган давр мобайнида вилоятда расмий никоҳсиз 6 мингдан ортиқ фарзанд дунёга келган. Янада тушунарлироқ айтганда, ҳудудда сўнгги олти ой давомида ФХДЁ органлари томонидан фақатгина шаръий никоҳда яшаб келаётган шунча оилалар аниқланган.

Шаръий никоҳ билан яшаш ҳолатлари ўтган йилга нисбатан деярли ўзгаришларсиз қолаётганининг асосий сабаби — ажримларнинг кўплигида. Бу икки масала эса бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ажрашиб уйланганлар ажрим узок жараён эканлиги учун иккинчи никоҳни деярли қонунийлаштирмайди. Бундан ташқари, ажрашаётган оилаларнинг аксарияти судда ёки ФХДЁ бўлимларида ўзаро келиша олишмайди.

Яна рақамларга юзланамиз. Ўтган 2021 йил давомида Фарғона вилоятида ажримга оид 4 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Шундан 2 минг 403 таси суд қарори билан ажралиш ҳолати ҳисобланади.

Ажримларга нималар сабаб бўлмоқда?

Фарғона вилоятида оилаларнинг бу-

зилиш сабаблари ўрганиб чиқилганда, 647 та ҳолатда фарзандсизлик, 46 тасида хиёнат, 170 тасида узок вақт бирга яшамаслик, 2 698 тасида оилавий келишмовчиликлар, 311 тасида учинчи шахснинг оилавий муносабатларга аралашуви ва қолган ҳолатларда ёшларимизнинг оила қуришга тайёр эмаслиги, соғлиғига эътиборсизлик, йигитларнинг оилани бошқаришни, рўзгорни моддий таъминлаш, фарзандларни маънан ҳамда жисмонан соғлом қилиб тарбиялашни ўз бурчлари, деб билмасликлари, қизларнинг эса уй бекаси, оналик вазифасини тушунмаслиги, аксарият ҳолларда қайнона ва келин ўртасидаги можаролар туфайли юзага келаётганлиги маълум бўлди.

Биламизки, оилалар тинчлиги ва муштақамлигида оила бошлиғи — эркаларнинг ўрни ҳамда масъулияти жуда катта.



БИТТА АЖРИМ ҲАМ КЎП

Чунки ҳаётнинг қийинчиликларини улар ўз елкаларига олади. Афсуски, амалиётда кўриб турибмизки, эркаларнинг оилавий муносабатларда ўз ўрнини йўқотиб қўяётгани, яъни иккинчи даражага тушиб қолаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Қизларни “арзон”га сотмайлик

Шарқ мамлакатлари тажрибасига таянадиган бўлсак, келинга ҳам, куёвга ҳам қўйиладиган талаблар жуда юқори. Унинг устига аёлни ҳақ-ҳуқуқлари қатъий белгилаб қўйилган. Хонадонда “келин хизмат қилиши керак, ойлигини қайнонаси ва ёки қайнонасига бериши шарт, деган тушунчалар умуман йўқ.

Ушбу тамойиллар эртага оиланинг ажралиш ёқасига келиши ҳар икки томон учун ҳам қаттиқ ижтимоий ва молиявий зарба

Асосий эътибор тўй ва тўйгача бўлган маросимларга қаратилади. Маросимлар биринчи ўринга қўйилади.



бўлишини жуда яхши билишади. Бизда-чи? Аксарият ажримлар айнан мана шундай майда-чуйда, беъмани шартлардан келиб чиқаётгани бор ҳақиқат.

Минг афсуски, учинчисига, тўртинчисига ҳам тўй томоша қилиб қиз бола келин олаётган оилалар ҳар бир вилоятда учрайди. Бунинг устига, ҳар бир кур-

Ким нимага қийинчилик билан эришса, уни шунчалар қадрлаши табиий, албатта. Хозирда эса ўзимизнинг шахсий орзу хавасларимиз туфайли ёшларимизга турмуш имкониятларини осонгина бериб қўяёгандекмиз.

Хўш, муаммоларнинг олдини қандай олиш зарур? Аввало, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаб бориш шарт. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Унда бир қатор омилларга эътибор қаратиш лозим. Масалан, оиладаги ажримларнинг олдини олишда, асосан, ёшларни оила илмига ўргатиш мақсадга мувофиқ. Уларда оила муқаддас кўргон эканлиги тўғрисидаги тарғибот-тушунтириш ишларини бутунлай янги босқичда, ноодатий усул ва ёндашувлар асосида олиб бориш керак.

Оила қураётган ёшлар учун оилавий муносабатларни тўлиқ тушунтирадиган ва эр-хотин ҳақ-ҳуқуқларини мукамал англайдиган, диний ва дунёвий билимлар бир тизимга солинган махсус ўқув дастур ишлаб чиқиши керак. Қонуний никоҳ тузилмасидан аввал мана шу дастурни мажбурий тартибда ёшларга ўқитиш зарур. Шундагина уларда оила ва унинг муқаддаслиги, диний арконлар ва мажбуриятлар ҳақида ҳар иккала ёшда тўлиқ тушунча ҳосил бўлади. Бу эса, албатта, оила муштақамлигига хизмат қилади.

Улуғбек МАҲМУДОВ,
ДҲА Фарғона вилоят
бошқармаси бошлиғи

Қанчадан қанча воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган, неча йиллардан бери минглаб автобуслару миллионлаб инсонларни кузатиб-кутган бекат доимгай ўз йўналиш автобусини сабрсизлик билан кутаётган одамлар билан тўла. Шошилаётган инсонлар ҳар минутда қўл соатига қараб қўйишдан чарчашмайди.

Баъзиларнинг қўлларида телефон, баъзилар эса ҳамроҳи билан кизгин сўхбатда. Мен эса зерикмаслик учун ён-атрофдагиларни кузатиш билан бандман. Шу пайт ҳассаси билан ерни пайпаслаб, аста қадам ташлаётган, 50 ёшлар чамасидаги кўзлари ожиз бир аёл келибоқ илтимосона оҳангда: “Кимдир менга ёрдам бера оладими?” — деди. Бирок ҳеч ким бу аёлга жавоб қайтариш тугул, эътибор ҳам бермади. “Биргина илтимосим бор холос”, — дея яна бошқаларга юзланди у. Таассуфки, ҳамма мум тишлагандай жим, ўз иши билан овора. Одатда, бегоналар билан сўзлашишга нўноклигим учунми, бошқа бирор ким ёрдам берар деб ўйладим. Аммо онахонга ҳеч ким парво ҳам қилгани йўқ. Охири умид билан кутаётган аёлни олдида дига ўзим боришга қарор қилдим. “Тинчликми, холажон?” деган сўзларимдан совуқда дирдираётган лабларда табассум намоён бўлди. “Агар 98-автобус келса, айтиб юборинг, илтимос”, — деди мулоқим билан онахон.

Бундай оддий илтимос менга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди, ҳеч оғринишларсиз рози бўлдим. Шу пайт мендан сал нарида бизни кузатиб турган бўйлар баланд, 40 ёшлар атрофидаги бир аёл олдимга келди: “Тагин уйимгача олиб бориб қўйинг деса, хўп деб ўтирманг. Бундайлар атайлаб сиздақа содда кизларни алдаши ҳам мумкин. Бундан кейин бегоналар сиздан ёрдам сўрашса, меҳрибончилик кўрсатманг. Ҳеч кимга ишонч йўқ бу замонда”, — дея қулоғимга шипшиб ўтди. Тўғриси, бу сўзларни қулоқларим эшитдию,

юрагим зир титраб кетди. Бироздан сўнг 98-автобус келди ва мен ўша кўзлари ожиз аёлни автобусга чиқишига ёрдам бердим. Лекин мени огоҳлантирилган сўзлар таъсирида ҳатто миннатдорчиликка арзимайди сўзини айтиш ҳам ёдимдан кўтарилибди.

Бу воқеадан сўнг неча-неча кунлар соат миллири билан вақт дарёсида оқиб кетди. Бирок айнан “Бу замонда ҳеч кимга

“БУ ЗАМОНДА ҲЕЧ КИМГА ИШОНЧ ЙЎҚ”

ишонч йўқ” деган оғрикли жумлалар ҳали ҳамон дилимни эгаллаб, менга на кундузлари таскинлик беради, на кечалари ором. Наҳотки, Яратган башарият қалбига инъом этган туйғулар орасида бир-биримизга ишонч ҳисси қолмаган бўлса?! Наҳот, “шубҳа” деб аталмиш биргина туйғу меҳрибонлиги химмат, саҳийлиги ёрдам каби гўзал фазилатларни йўқ қила олишга қурби етса?! Ахир, ишонч инсонларни эзгуликка, яхшиликка бошловчи, дунёни ушлаб турувчи устун. Ишончсизлик эса бирликни йўқотувчи, дўстлиги биродарликка раҳна солувчи, қалбни гумонлар уясига айлантирувчи туйғу. Ишончсизликнинг асл илдири қаердалиги тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Фикри ожизимча, унинг пойдевори оилада, болалик даврида ёлғон ваъдаларга умид боғлаб, сўнгра амалга ошмаган армонли орзуларда. Бора-бора бу ўзгаларга, жамиятга, ҳаётга ишонмасликка олиб келган. Очигини айтганда, йўлда учраган барчанинг айтган сўзларига ишо-

ниш ҳам нотўғри. Ҳамма гап ҳам айнан шунда. Баъзи фирибгар, нияти бузук кимсаларнинг касрига ўз яқинларимизга ҳам ишончимиз қолмади. Албатта, ўзини бечораҳол кўрсатиб, пул ва мол илнжида ўзгаларни алдаётган, “Дўстингман” деб орқадан пичоқ ураётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Ана шундай чиркин одатларни ўзига касб қилиб олганлар сабаб яхшини ёмондан ажратолмай қолдик. Фақатгина ўз манфаатимизни ўйлаш, лоқайдлик каби иллатлар бизни борган сари ўз домига тортиб бормоқда. Қандай замонга, қандай жамиятга айланиб қолганимизни кўринга... Энди ҳатто ўзимиздан хавотирланиб, рост сўзлаётган ёрдамга муҳтож инсонларга ҳам безътибормиз. Аммо бошқаларга

ишончсизлик доим ҳам инсонни кўриклаш вазифасини ўтамайди. Машҳур психотерапевт Алексей Лунков таъбири билан айтганда: “Ишончсизлик одамни химоя қилмайди, балки ёлғизликка маҳкум қилиб, уни назорат қилади”. Дарҳақиқат, ҳеч кимга ишонманг каби огоҳлантиришларга берилиб кетмаслик зарур. Зеро, бу ёруғ оламда ҳали ҳам росттўйлик садоқатли кўнгилларда мужассамлигига ишонамиз. Негаки вафо, тил ва дил бирлиги каби гўзал фазилатли инсонлар орамизда талайгина. Башарти улар сингари қалби пок одамларнинг бирортаси ҳам қолмаганда, ишонч туйғуси ер юзини буткул тарқ этганига амин бўлар эдик. Шундай экан, ўзини инсон номига лойиқ деб билган ҳар бир башар фарзанди ўзи қабиларга ишониши ва албатта, бошқаларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилмоғи шарт.

Моҳим ТОПИЛОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Мулоҳаза

Ўзбекистон халқи қардош ва қариндош бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўтасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч бардавом бўлишини, ён қўшнимиз, жон қўшнимиз тинч ва барқарор, фаровон яшашини истайди. Тўғриси, Қозоғистонда рўй бераётган ҳодисалар ҳаммамизни ташвишга солди. Биз қўшни қозоқ халқига сабр-қаноат, босиқлик, хотиржамлик тилаймиз. Чунки тинчлик ва хавфсизликнинг баҳоси тенгсиз. Бугун қозоқ биродарларимиз танасидаги оғриқ бизга азоб берапти. Зеро, ўзбек-қозоқ — эт билан тирноқ. Бизнинг энг катта бойлигимиз ҳам шу.

Афсус, намоийшлар ва амалдаги ҳокимиятга қарши кураш кутилган самарани бермаслигини кўпчилик яхши тушунмайди. Тўғри, Қозоғистонда ҳам ишсизлик, ёшларга эътиборсизлик, ҳокимият эшелонларида коррупция бор эди. Бу ҳам муаммонинг бир томони. Бироқ инқилоблар, кўча чиқишлари давлат, жамият, халқ ва алоҳида шахслар ҳаётини издан чиқариб, барбод этиши инсоният тарихидан яхши маълум. Асрлар давомида шаклланган давлатчилик анъаналари, халқ кадриятлари ва ижтимоий муносабатларни кадрсизлантириш инқилоб табиатига хос хусусият. Энг ёмони, инқилоб инсоннинг энг тийиксиз туйғуларини жунбишга келтиради. Жамиятни, миллатни, оила ва одамларни кескин ва қарма-қарши томонларга бўлиб ташлайди. Одамлар онг-тафаккурини ўткинчи ғоя ва шиорлар билан захарлайди. Давлат ва жамият ривожини табиий ўзанидан чиқариб юборади. Инсон ҳаёти учун энг зарур товар ва хизматларнинг тақчиллиги ва танқислиги, масъулият ва жавобгарликнинг йўқолиши, оммавий тартибсизлик ва зўравонликлар инқилоб туғдирадиган дастлабки “фарзандлар” дир. Инқилобни бошлаш мумкин, лекин уни қандай яқунлашни ҳеч ким билмайди?! Инқилобдан сўнг ғоялар кураши тўхтади. Ҳокимият учун кураш бошланади. Ёлғон, нафрат, ўч олиш майдонга чиқади. Худди шу дамдан бошлаб инқилоб ўзи нима учун амалга оширилганлиги ҳаммамизнинг эсидан чиқади. Зўравонлик ва террор бошланади. Инқилоб ана шу тарихи узлуксиз шармандали қон тўкиш билан давом этади.

Тўғри, Қозоғистонда аввалига тинч намоийшлар бошланди. Бир гуруҳ автомобиль ҳайдовчилари суолтирилган газ нархини арзонлаштириш талаби билан майдонга чиқди. Бироқ ҳар доим кўча чиқишларидан ўзига фойда излайдиган ўғрибошилар, талончилар, мародёрлару, террорчилар вазиятни ўз измига буриб юборди. Бошқа томондан Қозоғистонда кўш ҳокимиятчилик юзага келган бўлиб, фақат олий раҳбар — Хавфсизлик Кенгашининг “абдий” раҳбари Нурсултон Назарбоев назоратидаги хавфсизлик ва ички ишлар, армия раҳбарияти ҳаракатсизлигини намоийш этди. Натижада, хаос юзага келди. Хўлу-куруқ баробар ёнди. Вазиятнинг янада кескинлашига йўл қўймаслик, давлатчиликни сақлаб қолиш мақсадида президент Қосим-Жомарт Тўқаев Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотига аъзо давлатлардан ёрдам сўради.

Қозоғистоннинг бугунги аҳволи айнан Назарбоев даврида шаклланган. Катта табиий бойликлар ва катта амбицияларга эга йирик давлатни бошқарган Назарбоев даврида муҳолиф фикрлар ва фуқаролик жамияти куртаклари ер билан битта бўлди, бойлар ва қашшоқлар ўрта-сиддаги тафовут эса мисли кўрилмаган даражага етди. Қозоғистонда қарийб 20 миллион одам яшайди. Лекин Credit Suisse Research Institute кўрсаткичларига кўра, давлат бойлигининг ярми 200 дан кам одамнинг қўлида жамланган. Назарбоев мамлакат учун кўп иш қилди. Аммо ҳокимият юқори эшелонларидаги очкўзлик унинг бошига етди.

Охириги йилларда Назарбоевнинг ои-

ласи Европада ҳашаматли уйларни сойтиб олаётгани ҳақида миш-мишлар тез-тез пайдо бўлди, қолаверса, ишсизлик, ижтимоий муаммолар, ёшлар масаласига бефарқлик ва энг ёмони коррупция Қозоғистон халқи ғазабига сабаб бўлди.

Аммо кўча чиқишлари билан, атрофга ўт кўйиш билан ҳеч нарсага эришиб



бўлмаслигини ҳеч ким тушунишини ис-тамади. Айниқса, уюшмаган ва ишсиз ёшлар қуюшқондан чиқиб кетди. Ахир, тўнтариш уринишлари Мисрда бошбош-докликка, Сурияда қонли драмага, Ливия ва Малидаги қирғинбарот урушларга, Тунидаги тартибсизликларга, Украинадаги адоқсиз инқирозларга сабаб бўлма-дими? Бундай ҳодисалар кимнинг кўн-жини тўлдирди? Инқилобга мезбонлик қилган мамлакат фуқаролариними? Бу сафсата ҳолос. Оммавий чиқишлар ва талатўплар тўнтариш юз берган давлат-лар аҳолисининг бош муаммоларини ечиб беролмади, шу жумладан, қашшоқ-лик, ўсиб бораётган ишсизлик кўламини ҳам. Аксинча, муаммолар кескинлашиб, чуқурлашди ҳолос. Ташқаридан бошқарилган “рангли инқилоблар” Яқин Шарқ ва Шимолий Африкага 55 миллиард дол-ларга тушди. Араб мамлакатларига ки-ритиладиган бевосита хорижий сармо-ялар ҳажми 30-40 фоизга тушиб кетди. Шундай қилиб, ер шарининг энг муҳим стратегик минтақаларидан бири, нафақат углеводороднинг асосий дунё захирала-ри, балки денгиз, қуруқлик, ҳаво комму-никациялари кесилидиган, материк ва цивилизациялар қўшилидиган ҳудуди-да халқро ва минтақавий хавфсизликка янги таҳдидлар маскани бўлиб қолди.

Айрим мамлакатлар томонидан жа-моатчилик фикрига таъсир кўрсатадиган ахборотни қайта ишловчи усуллар ва тех-нологиялар ишлаб чиқиладигани ҳам сир эмас. Бу ерга оҳанги ҳуқуқ ҳимоячисидан кўра иғвогарликни эслатадиган барча “вазндаги” инсон ҳуқуқлари ҳимоячила-ри жалб этилади. Нима бўлишидан қатъ-ий назар факт фактликча қолади. Укра-ина ёки Грузия қатор инқилоблар, давлат тўнтаришларидан фойда кўрдими? Йўқ, Украина иқтисодиёти фалажланди. Ху-дудининг катта қисмини бой берди. Гру-зия ҳам шундай.

Қозоғистондаги ҳодисалар ҳам бун-дан мустасно эмас. Унутмайлик, узокда-ми, яқиндами, юз бераётган воқеалар бизга таллуқли эмас, дея хомтама бўл-маслик керак. Бундай нохуш ҳодисалар бир мамлакат ёки бир минтақа билан чекланиб қолмайди, агар ўз вақтида чора-лар кўрилмаса, улар бошқа ҳудуд ва мин-тақаларга ҳам ёйилаверади. Буларнинг

бари бизга мустақил Ўзбекистондаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қа-дрига етиш зарурати ҳақида яна бир бор эслашга, ҳар доим ўз мамлакатимизнинг тақдири ва келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшашга даъват этади.

Бекарорликлар тўлқини давлатчилик-ка, тартиб ва хавфсизликка путур етқа-зади. Норозиклардан фақат бир тоифа, у ҳам бўлса, тартибсизликдан фойда кўра-диган бандитлар ва талончилар наф кўра-ди. Иқтисодий ўсиш тўхтади, одамлар даромад манбаини йўқотади. Омма та-лаби билан маошлар кўтарилмайди, янги иш ўринлари яратилмайди. Тўнтаришлар юз берган барча мамлакатларда шу ҳоди-са рўй берган.

Алмати кўчаларида отишма, талон-чиликлар рўй берди, машиналар, ҳоки-

кадриятлар, қарашлар ва эътиқодларнинг шаклланмагани, ҳаётий тажрибанинг йўқлиги ёшларни оммавий тартибсизли-клар ва ижтимоий тўқнашувларни таш-киллаштирган бузғунчи кучлар қўлида қурол қилиб қўймоқда. Афсуски, ёш ав-лод муаммолари ечилмади, унинг ижти-моий аҳволи ёмонлашса ёмонлашдиким, асло ўнганмади. Боз устига, сиёсий бекарорлик оловини ёқиш иқтисодиётда мисли кўрилмаган талофатларга олиб ке-лади, оддий фуқароларнинг фаровонли-гига салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, корхоналар фаолияти тўхтади, ишлаб чиқариш занжирлари узилади, сармо-ядорлар мамлакатга нисбатан ишончини йўқотади. Иқтисодий фаровонлик асо-сида мураккаб, изчил ислохотлар ётади. Уларни амалга ошириш учун тинчлик, барқарорлик ва ҳамжихатлик керак. Минг афсус, бундан бошқа даво йўқ.

Яхшиямки, Ўзбекистонда узокни кўзланган стратегия туфайли ислохот-лар бошланди. Барча жабҳада. Сиёсий маҳбуслар қолмади, матбуот эркинлаш-ди, болалар ва ўқитувчиларнинг мажбу-рий меҳнатига чек қўйилди, конвертация очилди. Бизда ҳам пишиб етилиб кела-ётган ижтимоий муаммоларнинг олди олинди. Ҳозирги даврда халқимиз энг ривожланган мамлакатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият ку-ришдек улугвор мақсадлар билан яша-моқда. Мамлакатимизнинг замонавий ва жозибдор қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ватандош-ларимизнинг мақсад-муддасига айланди. Айни пайтда биз эришилган ютуқлар би-лан кифояланиб қолмаслигимиз, хотир-жамликка берилмаслигимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари коронавирус-нинг қайтадан тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг иқтисодиёт ва инсон-лар ҳаётига салбий таъсирини имкон қа-дар чеклаш учун аҳолининг энг муҳим ҳаётий этиёларини тўлиқ таъминлаш, нарх-навонинг ошиб кетмаслигига эри-шиш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар-ни давом эттириш, айниқса, муҳтож ои-лаларга мурувват ва саховат кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, бу каби эзгу ташаббусларни кўпайтириш зарур-лигига ҳам алоҳида эътибор қаратаётган-ни бежиз эмас.

Янги Ўзбекистон ислохотларининг мақсади аниқ. Энг аввало, юртимиз-да тинчлик ва барқарорликни сақлаш, фуқаролар ва миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, халқимизнинг маъна-вий дунёсини янада юксалтириш, Ўз-бекистонда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватан-дошимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, қафолатли даромад манбаи, тиббий хиз-матлар ва уй-жой, сифатли таълим билан таъминлаш, камбағалликни қисқарти-риш ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бироқ энди кечаги ютуқ ва марралар бизни сира қониқтир-майди. Ислохот одамларнинг қалбига, юрагига кириб боргандагина ислохот бўлади, бундай шиддатли жараёни ҳеч ким, ҳеч қандай куч ортга қайтарол-майди. Ислохотлар натижасини ҳар бир инсон, ҳар бир оила кундалик ҳаётида ҳис этиши керак. Шунинг учун, барча бўғиндаги раҳбарлар қоғоздаги ҳисобот-лар, фоиз ва рақамлар ортидан қувмасдан, оддий одамларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун ишлаши зарур.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

Сабаб ҳақида эмас, оқибатини ёзмоқчиман. Гарчи, аввал у ёки бу муаммони юзага келтириш сабаблари айтилиши лозим бўлсада, оқибатлар ҳақида тўхталишни афзал билдим. Умуман, бугун қай тарих ва нега бу ахволга тушдик? Бунга матбуотчи айбдорми ё ўқувчими?

Семинарбозлик...

Кейинги пайтда семинарбозлик, у ёки бу соҳа вакиллари ўқитиш роса авжига чикди. Бирор қонун чикди, дейлик. Бу ҳақда фалон соҳа вакиллари ўқитиш керак, қонунни уларга тушунтириб қўйиш керак, дейишади мутасаддилар. Ва кўп ўтмай, жойларда қанча одамнинг вақти, маблағи сарфланади, қонунми, қоида, ишқилиб, янгилик яхшилаб ўқитилади. Ўқитилгандан кейин бирон натижа бўлади, деб ўйлайсизми. Шу қонуннинг аҳамиятини сўрасангиз, зиёли инсонлар елка қисиб тураверади, қонуннинг ҳаммасини ёдлаб бўлмайдику, дея фикр ҳам билдиради.

Гап амалий кўрсатмалари мавжуд бўлган семинарлар ҳақида эмас, албатта.

Ёки баъзи маърифий тадбирларни олайлик. Мақсад-муддаолар жуда баландпарвоз. Низомни ўқиб кўрсангиз, бундай учрашувлардан кейин аҳоли ётпасига маърифатли бўлишига ишониб қоласиз. Аммо жойларда тўрт-беш нафар саводи бор одам юрт келажаги ҳақида ваъз ўқийди, холос.

Бир худудда жиноятчилик бўлса, яна маҳалла сарсон, одам йиғиб, жиноятчилик қилманглар энди, кўрпачиларми, нима бўляпти, дея ваъз ўқилади. Бу ерда ўтирганларнинг кўпи бу гаплардан чарчаган, қулоғига кирмай, эснаб ўтирган бўлади. Бирор даргоҳда коррупция хо-

соҳасидан эмаслиги, жамиятдаги ўзгаришлар, ислохотлар билан боғлиқ эканидан ёзғиради. Хўш, жамиятдаги ислохотни биринчи навбатда зиёли одам билмаса, ким билиши керак?



ФИКРИЙ ЯЛҚОВЛИК

ёки “прикол”лар билан тўйнаётган миялар

Мактаб битирувчиси ёки талабаларнинг биргина ариза ёзишда ўнлаб хатолар қилаётгани ҳақида кўпчилик куюниб гапирди. Ваҳоланки, нуфузли ташкилот ёки зиё масканида фаолият кўрсатаётган қанчадан-қанча ходимларнинг ўзлари ҳам хато билан ёзишларини, икки жумла тузишда

лар берилаяптики, улар ўқувчисини ислохотларни билиши баробарида, тафаккур қилишга, ўйлашга, фикрлашга ундайди. “Маърифат”ни ўқимай қўйган ўқитувчининг аттестациядан қийналиб ўтишига ишонман. “Тафаккур”даги хазина мақолаларни ўқимай қўйган олий таълим муассасаси ўқитувчиларининг эҳтимол билими ҳақиқатан ҳам зўрдир, аммо ўз доирасидан нарига чиқолмайди, деб ўйлайман, негадир. Афсуски, ушбу нашрларнинг обунаси ҳаминқадар, қолаверса, қайсидир ташкилотга бораётган бўлсада, чанг босиб қолаётган ҳолатлар ҳам кўп.

Зиёлилар

даврасида ҳам...

У ёки бу давраларда ўтирсангиз, тупа-тузук зиёли инсонларнинг бўш вақти бўлди дегунча ижтимоий тармоқлардаги “приколлар”дан бош кўтармаётганини сезиб қоласиз. Муҳокама мавзуи ҳам шу?!

- Янгисини кўрдингизми?

- Боплабдия!

- Ундан зўрроғини кўрсатайми, манагини қаранг...

Хуллас, кимларнингдир йиқилиб тушишидан тортиб, хотин-қизларнинг қад-қоматини кулгуга солган, торт билан уришдан тортиб, ҳайкалларга “дард-хол қилган” ёшларнинг қатор бачкана видеолари одамларнинг доимий диққат марказида.

Ҳаммани битта қозонга солманг, ҳар бир медианинг ўз ўқувчиси, ўз кўрувчиси бор, дейишга шойилманг. Афсуски, қозонлар бирлашиб борапти. Бундай лавҳаларга ўчлик зиёли ю, барча давраларга ўтиб, юқумли касалликдай тобора онгимизга сингиб бораёттир. Бу балки мен ўйлагандай хавфли, кўрқинчли жараён эмасдир. Аммо ҳамма гап шундаки, одамлар онгини мазмунли маълумот билан эмас, мана шундай олди-қочдилар билан тўлдирётганида. Мия доимий равишда бу каби “озуқа”лар билан тўлдирилавергач, жиддийроқ маълумотни ўқишга ҳам эринчоқ бўлиб қолади, одам.

Фикрий ялқовлик юзага келади – кўрқинчлиси шу.

Бугун бирор даврада фалон газетада фалон мақолани ўқидингизми, деган саволлар тобора камайиб, унинг атрофидаги баҳс-мунозаралар йўқолмоқда. Фақат газетада ишлаганим учун эмас, шу юртнинг бир фуқароси сифатида бу ҳолат аҳолининг саводсизлигини оширишига олиб келади, деган ташвишдаман.

Фикрий ялқовлик туфайли...

Мен юқоридаги баъзи самарасиз йиғинлару, семинарлар, ташкилот ходимларининг аттестациядан ўтиши билан боғлиқ (ўқитувчиларнинг аттестациядан нечоғлик паст кўрсаткич билан ўтгани ҳақида илгари ҳам хабар бергандик) ҳолатларнинг аксариятини газета ўқимаслик билан боғлайман. Зиёли инсоннинг иккита жумлани тўғри туза олмаслиги ҳам газета, журнал ўқимаслик оқибатидир. “Прикол”ларга муккасидан кетишимизга ҳам газета ўқимаслигимиз сабабдир. Мазмунли ахборотни қабул қилмаслик синдроми шакллангач, уни қайта тиклаш осон кечмайди.

Қонунларку, майли, оддий янгиликни яхшироқ, соддароқ тилда тушунтиришга тўғри келмоқда. Одамлар интернет тилига, яъни соддароқ тилга тобора мослашиб бормоқда, тилимиз ўз жозибдорлигини йўқотмоқда.

Энди одамларни газета ўқишга мажбурлай олмайсиз, ҳозир интернет асри, деб бонг уриши мумкин. Қўшиламан, аммо ҳаётимиз фақат ахборотдангина, қолаверса, интернет тилида берилаётган маълумотдангина иборат эмас. Чунки энг оммабоп интернет нашрида ҳам яхши ёзилган таҳлилий мақоланинг ўқувчилари кам. Тинимсиз, доимий ахборот эса инсон миясини ҳар қандай маълумотдан, ҳатто ўқишдан ҳам толиқтириб юборади.

Мен неча ўн йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган маънавий ташкилот одамларни газета ўқишга чорлайдиган, тарғиб қиладиган бирор бир ҳаракат амалга оширганини кўрмадим. Ваҳоланки, бир вилоятда бир зал одамни йиғиб ўқилган маъруза шаклидаги йиғилишдан кўра, газетадаги битта мақоланинг таъсири кўпроқдир.

Газета ўқимаслик бугун шу даражага етдики, ҳатто таълим муассасалари кутубхоналарида ҳам газета, журналларни тополмай қолдик.

Яхши мақолалар йўқлиги учун эмас, аллақачон фикрий ялқовлик юзага келгани учун газета, журнал ўқилмай қўйилгани фожиа, назаримда.

Гулрух МҶМИНОВА,
журналист



лати учраса ҳам яна йиғилиш, эҳтиёт бўлинглар ахир, дея огоҳлантиришади.

Эътибор беринг, юқоридаги мисоллар асосан катта ёшлилар ўртасидаги учрашувлар ҳақида. Яъни катта ёшлиларга ундай қилма, бундай қилишинг керак, деб ақл ўргатамиз. Энг қизиғи, ваъзхонлик усулида. Вақт сарфланади, баъзида маблағ ҳам.

Ваҳоланки, ҳар бир соҳанинг ўз нашрлари борлиги ҳақида кўпчилик билмаса ҳам керак. Ушбу нашрларда соҳанинг янгиликлари доимий равишда бериб борилиши баробарида, таҳлил ҳам қилинади. Лекин бу нашрларни кимдир ўқийди, жуда кўпчилик ўқимай қўйган...

Фақат тилчи саводли бўлиши керакми?

У ёки бу соҳа вакиллари ўртасида ўтказилаётган аттестация натижаларидан норози ходимларни тез-тез учратиш турғамиз. Уларнинг аксарияти саволлар ўз

кимларгадир мурожаат қилишларини қандай тушуниш мумкин. Айниқса, хатолари ҳақида гапирсангиз, “биз тилчи эмасмизку”, дея саводсизликни бу билимсизлик эмас, қабилдаги тушунча билан алмаштирмакчи бўлганларни ҳануз тушунолмайман.

Буларнинг ҳаммасини, эҳтимол, муболаға деб атасангиз ҳам ГАЗЕТА ЎҚИМАСЛИК натижаси, деб биламан.

Тўғри, бу ҳолатнинг қатор, биз журналистларга ва умуман, жамиятга алоқадор сабаблари бисёр. Аммо бугун республика, вилоят нашрларида кескин ўзгаришлар борлигини барчамиз кўриб турибмиз.

Чанг босган нашрлар

Дейлик, “Хуррият” газетасидаги “Уйқудаги Қонунбек”, “Икки минг олти юз хайрат водийга бир қадам” мақолаларини ўқиган одам бу газе-

Бугунги глобаллашув даврида жамият ҳаёти шиддатли тусга кирган, инсоният онги ўзгармоқда, тараққиётни белгилайдиган фан технологиялари янгиланмоқда. Шу маънода, жаҳон адабиётига ҳам, ўзбек адабиётига ҳам бугунги кунларда кечаги нуқтаи назарлар билан қараб бўлмайди, бадий сўз ижодининг энг муҳим қонуниятлари ҳам бунга изн бермайди, том маънодаги адабиёт илми билан машғул инсон доимо ўзини ўзгартириб бориши, баъзан ўтмиш ва баъзан бугун, баъзан келажак билан юзма-юз бўлиши, табиат ва жамият, олам ва одам билан боғлиқ сирлардан воқиф бўлиши, илоҳий-ирфоний туйғулар оғушида яшаши замон талабидир. Шундагина асрлар мобайнида бадий ижод сирлари ва сўз санъати дарди билан умргузаронлик қилиш мумкин.

Менинг назаримда, мана шундай омиллар Ҳотам Икромович Умурувни забардаст адабиётшунос, зукко адабий танқидчи, адабиёт тарихи ва назарияси билимдони сифатида танитди. Бугунги кунда кутлуғ 80 ёшини қаршилаётган таниқли олим Ҳотам Умурув ҳаётининг 60 йилини ижод, таълим-тарбия, илм ва меҳнатга бағишлади.

Бизга яхши аёнки, бадий адабиёт илми ҳаётнинг ўзи қадар кенг ва бепаён бир соҳа ҳисобланади. Унинг жамият ҳаёти билан ҳам, дунё ҳаёти билан ҳам, борлиқ билан ҳам йўқлик билан ҳам туташ нуқталари сон-саноксиз ва бундан ташқари мавжуд реалликка тегишли бўлмаган оламлар билан ҳам боғланади. Уни бор бўйи англаш ва англантиш эса янада мураккаб, баъзан ечими топилмайдиган мангу саволлар қуршовида фикр юритишни тақозо қилади. Шунинг учун, адабиёт “олам ичра олам” сифатида баҳоланган бир ҳодисадир. Таниқли адабиётшунос Ҳотам Умурув мана шундай серқирра жабҳанинг жонкуяр ва ҳалол намоёндаларидан саналади. Адабиётшунос узок йиллардан бери илм-фан билан шуғулланади, ёшларга сабоқ беради, бадий ижод ва адабиёт соҳасининг турли жиҳатларига бағишланган юздан ортиқ илмий-оммабоп асарлар яратишга эришди, кўплаб сермазмун мақолалар яратди, етук шоғирлар етиштирди, жамоат ва давлат ишларида масъулиятли вазифаларни бажарди, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида фаоллик кўрсатди. Бундай олимлар қадимдан улуғланган, жамият ва ҳаётнинг энг эътиборли мақомида тутилган, ўз тажрибалари, сай-ҳаракатлари билан халқ ва давлат манфаатлари йўлида суянчиқ бўлган, “пайғамбарлар вориси” деб қаралган, дунё алломалари қарашларида доимо эъзозланган. Гап шундаки, бизда олимлар ҳақида фикр юритилганда муайян тармоқ мутахассисларини назарда тутиш одат бўлиб қолганлиги ҳам сир эмас, бироқ олимлик даражаси тарихдан бир чегара билан ўлчаб бўлмайдиган мақом бўлиб келганлиги ҳам ҳақиқат. Унда жамият ва халқ олдида улкан маъсулият, ҳақиқат ва ростгўйлик, ўз ҳаёти ва манфаатидан эл дардини устун қўйиш, улус ғамида яшаш талаб этилган. Айни сифатларгина олим тимсолини улуғвор мақомга кўтариб келган. Шу нуқтаи назарлардан Ҳотам Умурув сиймосида олим ва зиёли шахсиятининг барча жиҳатлари намоён бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. У кишининг умр йўлларига назар ташланса, бир олим эришиши мумкин бўлган ҳамма илмий ютуқлар, бир инсон кечириши мумкин бўлган барча ҳаёт сўқмоқлари, оила тарбиясидан фан ва давлат арбоби даражасига бўлган умр йўллари тарихи кўз ўнгимизда гавдаланади. Бунга замондошлар, касбдошлар билан бирга олим томонидан яратилган улкан адабий-илмий асарлар ҳам гувоҳлик беради.

Мен Ҳотам Икромовичнинг олий даргоҳларда олган сабоқлари, номзодлик, докторлик, доцент ва профессорлик илмий даражаларини олиш йўлидаги машаққатли меҳнатлари самараларидан шахсан воқифман. Шу ўринда, айтмоқчиманки, Ҳотам Умурув мамлакатимизда нуфузли бир



сўз ва фикрга бўлган дақиқлигида кўрилади. Бу, айниқса, олимнинг кўп сонли илмий-оммабоп рисоаларида, бадий-публицистик мақолаларида ёрқин намоён бўлади. Ҳотам Умурув ниҳоят синчков ва диққатназар олим ҳисобланади. У муайян асар яратиш жараёнида халқ бисотиға, донишмандлик

илмий тадқиқотларижибадорлигини таъмин этган омиллардан яна бири муаллифнинг бадий ижодга, шеърятга улкан муҳаббат қўйган ва ўзбек адабиётини дунё микёсида шухрат қозониши учун жонбозлик кўрсатган ижодкорлар авлодидан эканлигида теран намоён бўлади. Чунки бошқа соҳага нисбатан сўз санъати табиатан туғма истеъдод ва иқтидор талаб этиладиган жабҳалардан саналади, бадий туйғу ва илҳом ҳам, сўзсиз, шундайтабiiй эҳтиёжлардан келиб чиқади. Ҳотам Умурув нафақат жўшқин бадий-эстетик кечинмалар соҳиби, балки ушбу ижодий илҳом ва жараённинг ҳам чуқур тадқиқотчиларидан ҳисобланади. Адабиётшуноснинг бир қатор ижод намуналари айни соҳа тадқиқиға бағишланади. Уларда илҳом, талант, иқтидор, қобилият сингари ижодкорлик муаммолари теран қарашлар билан тафтиш этилади, ўқувчини сўз санъатини чуқур эгаллашиға ва ижод олами билан боғланишиға замин яратади.

Ҳотам Умурув ижодининг шахсанмен кузатган жиҳатларидан яна бири таҳлил учун бадий матн танлаш маҳоратида кўринади. Бизга равшан адабий-ижодий ҳақиқатларға биноан ҳар қандай ижодкор хоҳ у классик бўлсин, хоҳ замонавий – барчасида ўз ҳаётини мангуликка муҳрловчи сеҳрли ижод намуналари мавжуд бўлади. Бу илҳомий яратмалар биринчи галда Ҳотам Умурув эътиборини ўзига тортади ва айни санъат асарлари бадийати билан танишади, китобхонларини таништиради. Шу жиҳатдан адабиётшунос диққат марказида доимий равишда турадиган миллий ва жаҳоний адабиётнинг мумтоз намуналари бор. Улар классик лирик асарлар, дурдона насрий асарлардан ташкил топгандир. Ҳотам Умурув жаҳон халқлари мулкиға айланган ўзбек адабиёти намуналари, ва шунингдек, ўзбек адабиётида шухрат қозонган дунё



сулола вакили сифатида ҳаётини илмий даражалару унвонлар олиш учун эмас, балки барча ҳаракатлари замирида элга хизмат қилиш, одамлар оғирини енгиллатиш, ҳаётига бирон бир қувонч олиб кириш учун бағишлаб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Ёшлар Мурабийи, атоқли олим Ҳотам Икромович Умурув илмий ва адабий фаолиятининг қай бир нуқтасига эътибор қаратсак, уларда ўткинчи масала ва қарашлар кузатилмайди. Шу боисдан, олим ижодининг ўлмаслиги ва барҳаётлигини таъминлаган омилларни бугун барчамиз бир тажриба ўлароқ эътироф этишимиз керак бўлади. Менинг назаримда, биринчидан, олим қаламиға мансуб бари асарларда адабиёт ва ижод олами ҳаёт билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Бу ҳолат Ҳотам Умурув томонидан яратилган кўплаб дарслик ва қўлланмаларнинг биринчи навбатда миллий ва замонавийлигини таъминлашға хизмат қилади. Бизга маълум бўлган бадий ижод ва сўз санъатининг азалий қонуниятларини тафтиш этишға қаратилган адабиёт назарияси ва адабиётшунослик дарсликлариде айни масала миллий анъаналар руҳидаги тадқиқларға эҳтиёжманд бўлиб келган эди. Адабиётшунос Ҳотам Умурув бу масалани чуқур ҳис этган ҳолда ижодға киришади ва ўзи ҳам ҳар доим ҳаётнинг синчков кузатувчиси сифатида асарлари ботинида намоён бўлади. Бу кузатувлар ва изланишлар самараси сифатида “Адабиётшунослик назарияси”, “Илмий тадқиқот асослари”, “Адабиёт қоидалари”, “Бадий ижод асослари”, “Таҳлил чизгилари”, “Тирик шеърлар поэтикаси”, “Шеър техникаси ва поэтикаси” сингари қатор дарсликлар вужудға келади, рисола ва қўлланмалар яратилади. Мамлакатимиз ва хорижда эътироф этилган олим илмий-ижодий фаолиятининг иккинчи бир жиҳати эса

қарашларига таянади, минглаб ҳикматли сўзларни, доно фикрларни, мақол ва маталларни йиғади, улардан ижодий изланишлари давомида зарур ўринларда маҳорат билан фойдаланади. Шунинг учун, олим асарлари оммага яқин ва ниҳоятда қизиқарли бўлиб, дунё юзини

Бизга маълум бўлган бадий ижод ва сўз санъатининг азалий қонуниятларини тафтиш этишға қаратилган адабиёт назарияси ва адабиётшунослик дарсликлариде айни масала миллий анъаналар руҳидаги тадқиқларға эҳтиёжманд бўлиб келган эди. Адабиётшунос Ҳотам Умурув бу масалани чуқур ҳис этган ҳолда ижодға киришади ва ўзи ҳам ҳар доим ҳаётнинг синчков кузатувчиси сифатида асарлари ботинида намоён бўлади.

кўради. Бу бир томондан асар қиммати оширса, иккинчи томондан китобхонларни қадим ҳикмат дурдоналаридан баҳраманд этади.

Ҳотам Умурув ижодий салоҳиятининг учинчи бир хусусиятини олим илмий тадқиқотлари адабиётнинг ҳеч бир мафкура ва тизимға ён босмайдиган асрий қонуниятларига бағишланганлиги билан изохлаш мумкин. Бунга мисол сифатида олимнинг фундаментал изланишлари маҳсули бўлган илмий асарларидаги бадий ижод ва психологик-руҳий таҳлил масалаларини айтиш лозимдир. Бадий асар фалсафа, мантик, тарих, дин кабиларсиз мавжуд бўлмаслиги каби руҳий-психологик омилсиз ҳам вужудға кела олмайди. Ҳотам Умурув бунинг ўзининг дастлабки кузатишларидаёқ англаган ва илмий муомилаға жалб этган эдики, бу ҳолат жаҳон ва миллий адабиёт илми учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бадий асар, қахрамон, характер ва умуман олганда ҳар қандай санъат намунаси руҳият-маънавият билангина жонли бир ходисаға айланади. Адабиётшунос

адабиёти асарларини катта қуввайи ҳофиза билан таҳлил этади, бадий ижод тамойилларини инсониятнинг классик ёдномалари билан белгилайди.

Хуллас, XX аср ўзбек адабиёт илмининг атоқли ва ардоқли намоёндаси, таниқли сўзшунос ва адабиётшунос олим Ҳотам Икромович Умурув ижодий тажрибаларидан бугунги ёш авлод учун сабоқ бўладиган жиҳатлар ниҳоятда кўпдир. Бир сўз ва ифода билан айтилганда Ҳотам Умурув чинаккам маънода бадий ижодға меҳр қўйган Ҳақ ва эзгу сўз шайдосидир. Мана шу сифат барча адабиёт ихлосмандлари ва сўз қудратини ҳис этувчилар учун ўрناق бўлса арзийди. Сўзимиз ниҳоясида домладан яна кўплаб сермазмун асарлар, ажойиб ёдномалар кутиб қоламиз, умри узок бўлишини Яратгандан сўраймиз.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари доктори,
СамДУ профессори.
Усмон ҚОБИЛОВ,
филология фанлари доктори,
СамДУ доценти.

Андижон шаҳрида яшовчи, аслида қўшни давлатда туғилган Маъруф Мусажонов яхши ниятда тадбиркорликка қўл урди. У бир эмас, иккита масъулияти чекланган жамият таъсис қилиб, уларни рўйхатдан ўтказди ва фаолият бошлади. У ўтган йилда ҳам яхшигина даромад қилганди.

идалари бузилган. Афсуски, Маъруф Мусажонов бу ишлар билан чекланмади. Чамаси, унинг мушугини пишт дейдиган одам топилмаслигига ва сохта ҳужжатлари унинг

ни турли хўжалик юритувчи субъектларга ўтказиб берган. Улардан маҳсулот сотиб олган ва ва уларни йил якунида давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида камайтириб кўрсатган. Натижада, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 1 миллиард 189 миллион 342 минг сўмлик катта миқдордаги қўшилган қиймат солиқларини тўлашдан бўйин товлаган. Бундай қалтис хатти-ҳаракатлар охири юзага чиқди. Солиқ хизмати ходимлари текшириш давомида сохта ҳужжатлар, сохта имзоларни фош этди.

Юқоридаги ҳолат бўйича жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман суди яқинда бўлиб ўтган мажлисида қонуний ҳукм чиқарди. Маъруфжонга қилмиши учун жиноят кодексининг тегишли модда ва бандларини қўллаб, 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига тортилди. Ҳавога согурилган миллиардлар, албатта, эзгуликка хизмат қилиши, тадбиркорга обрў ҳам келтириш мумкин эди. Афсуски, бунга Маъруфжоннинг ўзи сабабчи бўлди. Башаранг қийшиқ экан, ойнадан ўпкалама, деганларидек, бу жазо тадбиркорга етарлича сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Фахриёр РАҲИМОВ,
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш Департаменти
Андижон вилояти
Марҳамат туман бўлимининг
инспектори



Бироқ уларни қонун йўли билан ишлатишда хатоликка йўл қўйди. Давлат солиқ хизмати тарафидан ўтказилган ҳар икки жамият молиявий фаолияти устидан тафтишда йўл қўйилган қинғирликлар аста-аста юзага чиқа бошлади. У “Ипотекабанк” ва “Трастбанк” филиалларидаги ҳисоб-рақамлари орқали молиявий фаолият юритиб, Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш ва назорат касса машиналарини ишлатиш билан боғлиқ тегишли қарорлари талабларига терс йўл тут-

гани аён бўлди. Жумладан, биринчи масъулияти чекланган жамият орқали 20 миллиард 783 миллион 114 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилган. Бу пулларга тадбиркор харидорғир молларни сотиб олган ва уларни нақд пулга сотиб юборган-у, ими-жимида бу маблағни ўзиники қилиб олишга тиришган. Бу пулларни банк муассасига қирим қилмасдан, турли мақсадларда ишлатиб юборгани етмагандек, тадбиркор 799 миллион 568 минг сўмлик қўшилган қиймат солиқларини тўлашдан бош тортган. Мана шу тарика, савдо қо-

кирдикори ҳақида лом-мим деълмаслигига каттиқ ишониб қолди, чоғи, иккинчи масъулияти чекланган жамиятдаги фаолияти борасида ҳам худди юқоридагидек йўл тутди.

Бу жамиятнинг ҳам савдо-воситачилик фаолиятида барча ишларни ўзи амалга оширган. Албатта, бундай шахслар оғзидаги ошини бировга бериб қўярмиди?!

Фақат ўзим бўлсам, йўлига ўтиб олган тадбиркор иккинчи масъулияти чекланган жамияти орқали, ўтган йил давомида келиб тушган 14 миллиард 545 миллион 509 минг пуллар-

Бугунги кунда суратга олинаётган аксарият сериалларга кейинги йилларда ишланган ва бир марта ҳам кўришга арзимайдиган айрим бадиий фильмларда кўтарилган бачкана, маиший мавзулар: қашшоқ йигит бойнинг қизини севиб қолиши ёки бойваччанинг етим қизга ишқи тушиши, шунингдек, қайнона-келин, овсин можаролари, фарзандсизлик, ака-уканинг мерос таллашиб, бир-бири билан қирпичок бўлиши каби сийқа мавзулар кўпиртирилган, бўрттирилган ҳолда олиб қирилмоқда.

Аксарият сериал қахрамонлари воқеалар жараёнида бирон тайинли иш билан шуғулланмайди. Қайнона-келинлар эса бекорчиликдан жанжаллашаётгандек. Энг ёмони, сериаллардаги фирибгар, ёлғончи, ҳатто дўстининг аёлини ҳам йўлдан ураётган олчоқларни кўриб, қандай замонга келдим, дея бошингизни чангаллашингиз турган гап. Бир сўз билан айтганда, бу сериаллар инсон маънавиятини юксалтириш, унга ҳаётнинг мотивация беришга хизмат қилмаяпти. Аксинча, уни кўргангиздан кейин ҳаёт фақат қора ранглардан иборат, инсонлар бир-бирига ёв, ҳеч кимга ишонмаслик керак, деган хулоса пайдо бўлади. Дарвоқе, ушбу сериалларни асло оила давомида томоша қила кўрманг, акс ҳолда уятдан ерга қирингиз ҳеч гапмас.

Томошабинларни қизиқтириш мақсадида уларга шов-шувли номлар қўйилмоқда. “Бахт овчиси”, “Туғмас”, “Бепушт”, “Тузок”, “Кундош”, “Исканжа”, “Мардикор аёл” ва ҳоказо. Бундай номла-

лардаги инсонларнинг бир-бирига хиёнати, алдови ва фириби мутлақо куракда турмайди. Сериалларга “Туғмас”, “Бепушт” деган ҳақоратомуз номларнинг қўйилиши эса ниҳоятда аянчли. Шундай номлар қўйилса, томошабинлар аудиторияси кенгайиб кетадими ёки? Рост,

фарзандсизлик типик ҳодиса эмаску.

Сериалларимизнинг кўзга ташланадиган яна бир қусури реал ҳаётдан мутлақо узоқлик ёки ҳаётга бир томонлама қарашдан иборат. Шу маънода, бир таклиф, сериалларни яратишга профессионал адиб ва драматургларни жалб этишни жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Маҳоратли муаллиф ўрта мактабда виждонан сабоқ бераётган оддий ўқитувчи ёки бемор ҳаётини жонфидолик билан асраб қолаётган шифокор-жарроҳнинг ҳаётини ҳам мароқли қилиб тасвирлашига шубҳа йўқ. Асосий илтимосим, режиссёрлар реал воқеаларни ҳам уйдирмага айлантириб юбормасин. Қимматбаҳо қошонада нимадандир норози, қийналиб яшаётган қайнонаю келин, тагида “Малибу” бўлсада, бўйнигача қарзга ботган персонажларни кўриб, мантиқсизлик, шакл ва мазмун нумутаносиблигидан энсамиз қотмасин.

Ҳамирнинг зуваласи қанча кўп ийланса, табиийки ундан мағзи тўқ, мазали нон чиқади. “Мендан кетгунча...” қабилда иш тутишни бас қилайлик, сериалга қўл уришдан аввал халқимизнинг менталитетини, маънавий-ахлоқий тарбиясини назардан қочирмайлик. Акс ҳолда, қош қўяман деб, кўз чиқариш ҳеч гап эмас.

Абдумажид АЗИМОВ

СЕСКАНТИРАДИГАН



нишлар балки томошабинни ўзига жалб этар, аммо... Ушбу сериал-

тирноққа зор, фарзандсиз оилалар бор, аммо ўзбек менталитетида

ХАЛҚ АРТИСТИ ШУНДАЙ БЎЛАДИ

ЖАМИЯТ
www.bong.uz



Одатда концертларга кам тушаман. Негаки, фонограммага ҳушим йўқ. Ўзбекистон халқ артисти Женисбек Пиязовнинг концертига ҳамкасбим таклиф қилганди. Жонли ижро бўлгани учун тушдим.

Ўзбекистон давлат симфоник оркестри жўрлигида саҳнага Женисбек чиқиб келди. Бошловчисиз, самимий томошабин билан мулоқот руҳида ўтган дастур ҳаммани хурсанд қилди. Жаз ҳам, эстрада ҳам, устоз санъаткор Ғулможон Ёкубов билан “Дилором” кўшиғи ҳам, кинолардан тароналар ҳам, хуллас, Муслим Магомаевнинг “Мовий денгиз”и ҳам ижро этилди. Томошабинлар керакли ўринларда жўр бўлди. “Балли!” деган товушлар тинмади. Одатий концертларда кузатиладиган ҳолат рўй бермади. Томоша тугагач ҳам мухлислар хонандани узок вақт олқишлаб турди. Биз томошабин маданияти ҳақида кўп гапирамиз, ёзамиз. Концерт тугамай чиқиб кетадиганларни, телефонда гаплашиб ўтирадиганларни, хуштак чалувчию писта чакувчилар доим танқид қилинади. Демак, савияли концерт дастурлари томошабин маданияти ўсишига хизмат қилар экан. Буни санъаткорлар уддалай бошлади. Қарс икки қўлдан экан.

Бу дастурда юрагимга икки гап ўрнашиб қолди. Женисбек укаси Ақлбек Пиязовга навбат берар экан, “Иниси бор кишини тинши(тиниши) бор” деб лутф қилди. Менимча бу қорақалпоқ мақоли бўлса керак. Яъни укаси бор одамнинг тинчи бор – ишонган тоғи бор, дегани.

Балки тиниши деган бўлсаю англамаган бўлсам, тиниши ҳам чиройли сўз. Яъни ҳаёти тиник бўлади. Хуллас, Ақлбек ҳам акасидан қолишмади. Иккинчи ҳолат концерт тугаб, ҳамма эшикка шошилаётганда Пиязовларнинг ота-онаси кўксига кўлини кўйиб, барчани кузатиб кўймоқда. Худди ўғлининг тўйида мезбондек. Олдиларига бориб, “Ҳаммаси яхши бўлди, яхши ўтирдиларингми?” деб сўрадим. Отаси “Раҳмат!” деди. Онаси... она эса “Хавотирланиб ўтирдим, боламинг юзи ёруғ бўлсин деб”, деди. Фарзанди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Италия опера мактабини ўтаган тажрибали санъаткор. Унинг биринчи концерти ҳам эмас. Она барибир она эканда. Опани кучоқлаб олдим. Шу пайт Женисбекнинг отаси менга бир даста гул ҳадя қилди. Одамлар концертга гул кўтариб кирса, мен гул кўтариб чиқдим!

Таассуротлар бир олам. Ҳа, айтганча, концертда кизикчи Шукрулло Исроилов ҳам иштирок этди. Менимча, томошабинга манзур бўлди. Қизикчилик санъати мухлиси бўлмаганим учун индамай Женисбекнинг чиқишини кутиб ўтиравердим.

Аслида Женисбекнинг ўзи комик. Томоша давомида томошабинларни кулдириб, юқори кайфият улашиб турди. Самимияти, дилга яқин гаплари, чин кўшиқлари билан қалбларни ром этди, барчани яйратди. Киройи Халқ артисти дегани шундай бўлса-да, деб унга омадлар тиладик.

Манзура ШАМС

Бундан икки йил олдин хонанда билан суҳбат қилганимда, концерт афишаларини опера мухлислари – руслар, европа миллатига мансубларкўпроқ истиқомат қиладиган худудларга жойланишини айтганди. Бу йил жуда кўп жойларда Пиязовнинг афишаларини кўриб қувондим. Демак, мухлислар кўпайибди. Шундай, наво анжуманида асосан ўзимизникилар. Женисбек тўғри йўлдан борди. Аввал мухлисларга операни сингдирди, севдирди ва томошабинлар салмоғига эришди.

«ТОШКЕНТ МИНТАҚА» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф қилади!

“O‘zbekiston Respublikasi” Issiqlik Elektr Stansiyalari “Aksiyadorlik Jamiyati”, “Toshkent “Issiqlik Elektr stansiyasi” Aksiyadorlik Jamiyati” ning va 2022 йил 08 январдаги №04-30/82 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Қибрай тумани Салар “Toshkent “Issiqlik Elektr stansiyasi” АЖ да сақланаётган 1. “Тепловоз ТГМ-23Б” русумли темир йул транспорт воситаси 1982-йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси - 116 784 640 сўм 2. Газ 52 русумли Давлат рақами 10/402КАА бўлган 1987- йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси - 8 007 140 сўм 3. “Газ 3110” русумли Давлат рақами 10/050JAA бўлган 2003-йил ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси - 10 651 000 сўм. 4. “Трактор МТЗ-80” русумли, давлат рақами 282СА 10 бўлган 1996-йил ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси - 12 277 000 сўм автотранспорт воситаси аукцион савдосига қуйилмоқда.

Аукцион савдолари 2022 йил 9 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2022 йил 8 февраль куни соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2022 йил 9 февраль куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдоси автотранспорт воситаларининг 16 ва 23 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш охириги муддати 1 кун аввал. Савдо ғолибига 5 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб харидор сотилиш баҳосидан 5 фоиз савдо ташкилотчисига тўлаб беради. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини АТБ “Капиталбанк” Яшнобод филиали, х/р:20208000405363013002 МФО: 01136, СТИР:308305364.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй 71 233-28-52. 90 358-38-07.

Гувоҳнома № 965941

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2022 йил 27 январь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри “И.Каримов” кўчаси 162-уй 1-хонадон очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам ва қадам ошиши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига 2 дондан иборат бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қуйилмоқда.

1. Шўрчи тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тегишли бўлган 2017 йилда ишлаб чиқарилган 75/645 ҚАА давлат рақамли “МАТИЗ” русумли автомашина воситасининг бошланғич баҳоси: 16 500 000 сўм

2. Шеробод тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тегишли бўлган 2017 йилда ишлаб чиқарилган 75/397 ЯАА давлат рақамли “МАТИЗ” русумли автомашина воситасининг бошланғич баҳоси: 17 050 000 сўм

Автотранспорт воситаси билан Шўрчи тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва Шеробод тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Юқоридаги мулкларни 2022 йил 27 январь аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома им-

золашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, тақрорий аукцион савдолари ҳар хафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига катнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс катнашса, урнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида катнашиш учун харидорлар закат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 2 (икки) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Заказат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлайди. «SURXON SAVDO INVEST» масъуляти чекланган жамиятининг Х/р:2020 8000 1005 1270 9001. ИНН: 303477661 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО: 01063 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс катнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри “И.Каримов” кўчаси 162 уй 1 хонадон.

Телефон: +998 (76) 221-90-36.

Гувоҳнома № 903

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:

Адхам Бекмуродов
Акмал Саидов
Ақтам Ҳайитов
Нарзулло Обломуродов
Адхам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-108
Адади: 1507.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Муроджон РАҲМАТОВ

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

Расмий тадбир ёки матбуот анжуманларида иш юзасидан кўп иштирок этаман. Матбуот анжумани, ҳисобат, пресс-тур дея турли ном билан аталувчи бир хил тадбирларда кўпинча миллионлар, миллиардлар ҳатто триллионлар хусусида сўз боради, ишонаверинг. Палон ишга палон миллион ажратдик, пистон ишга пистон миллион ажратдик дея фахрланиб гапириш, эх-хе. Шунда мени бир савол қийнайди. Нега биз доимо бирон соҳанинг ривожланмаслигини маблағ ажратилмаганлиги билан ўлчамимиз? Ҳамма муаммо маблағга бориб тақаладимиз? Ажратилган маблағларни ўз ўрнида ишлатишни қойиллата оляпмизми? Кўп ҳолларда йўқ. Чунки давлат томонидан ажратилган маблағлар кимларнингдир “яхши” кўнларига хизмат қилапти. Демак, ҳамма гап ўзимизда экан.

Мавзудан четлашмаган ҳолда бир воқеага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бир танишим “Ҳоҳ ишон, ҳоҳ ишонма маҳалла фуқаролар йиғинида “бола пули”-ни ажратиш учун очикчасига пора сўрайдиган бўлиб кетишган. У ҳам етмагандай “бола пули” чикса, унинг ҳам икки ёки уч ойлигини беришинг керак. Бўлмаса, бола пули қайда”, деб қолди. Тўғриси, бундай ишларга умуман ишим тушмагани сабаб ушбу гаплар эриш туйилди. “Кўйсангчи, ўзи 300 ёки 400 минг беришса, шуни ҳам чўнтакка урадимиз?”, дейишимга кўнмай гапини давом эттирди: “Ҳа, ўртоқ, мана шунақа аҳвол. Пора бермаса, бола пулини тушингда кўр деган гап одамларнинг онгига сингиб бўлган. Ўзлари кўш-қўллаб олиб боришади ва икки-уч ойлигини ҳам беришга рози. Бола пули келса, бас. Бу ҳам “очерт”. Ким кўпроқ пора берса, ўшанга тезроқ чиқади ёки маҳалла фуқаролар йиғинида кимнингдир жияни бўлишинг керак. Яқинда бир янгам ёрилиб қолди. “Бола пули” олиш учун кимгадир қанчадир берган экан. Тўрт-беш ой бўлибдики, ҳали ҳам дарага йўқмиш. Бошқа жойга мурожаат қилай деса, кўш-қўллаб сокқасини берган. Ўзи ҳам жавобгарликка тортилади”, дея одамни минг хил ўйга толдирди.

Дўстимнинг гапларидан кейин яна бир-икки кишидан масала юзасидан мулоҳазаларини сўрадим. Барчаси, ҳақиқат. Кўпчилик маҳаллаларда “Уч ойлигини бермасанг, бола пули қайда?..” тамойили асосида “самарали ислоҳот” лар олиб борилмоқда экан биз билмай юрган эканмиз. Майли, айнан қаердалигини айтмай кўя қолай. Балонинг ками кам. Баракалла, қандини урсине дейсизми? Йўқ, ундай де-

“УЧ ОЙЛИГИНИ БЕРМАСАНГ, БОЛА ПУЛИ ҚАЙДА?..”

манг. Чунки бу ерда келажакимиз ҳақида гап кетаяпти. 300 ё 400 нима ҳам бўларди дейишга ҳам шошилмай туринг. Мисол учун, кишлок шароитида ўртача 400 минг сўм пул билан бир ой яшаса бўлади. Ҳеч қаерда ишламайдиган куни болага қарашу мол-қўйнинг тагини тозалаш ёки қишга таппи ҳозирлаш билан ўтаётган аёлга ким ҳар ой бу пулни олиб қўй, ўзингга болаларингга ишлатарсан дейди? Ҳеч ким. Чунки ҳамманинг ташвиши ўзига етади. Давлат томонидан бериладиган бола пули беминнат ёрдам. Ушбу пулга оз бўлсада боласига қўшимча овқат, ўзига кийим-кечак ёки оиласига керакли у-бу нарсаларни харид қилиши мумкин. Лекин ушбу пулларнинг орқасидан кимдир машина оляпти, яна кимлардир уйини ремонт қилапти, хуллас буюғи борида отиб қол. Шунингдек, қўша-қўша машинали ва турли кўчмас мол-мулк эгаси бўлиши “кам таъминланган” лар ҳам топилса, ажаб эмас.

Мавзунини ўрганиш баҳона ижтимоий тармоқлардаги фикрларга ҳам қизиқдим. Шу ерда аҳоли томонидан қилинган мурожаатларга эътиборингизни қаратмоқчиман:

Уч фарзанднинг онаси Мадина Меҳлибоева болалари учун ижтимоий нафақа берилмаётганидан нолиб ёзан: “Мен фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлайман, сезон пайтлари 370 минг сўм ойлик оламан. Эрим “Тез тиббий ёрдам” бўлимида фелдшер бўлиб ишлайди, ойлиги 300-350 минг сўм. Ижарада яшаймиз. Бирор мулкимиз йўқ. На машина, на қорамол... Болаларни 6, 10, 12 ёшда. Улар учун давлат белгиланган 14 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган нафақа учун ариза топширганмиз, лекин нафақа беришмаяпти”.

“Турмуш ўртоғим қорхонадан ишлайди. Ойлиги 1 миллион 400 минг сўм. Ўзим бола тарбиясидаман. Бола пулига хужжат топширдим, лекин пенсия бўлимидан ўтказишмади. Мен бола пули беришда ноҳақлик бўляпти, деб ҳисоблайман”.

“Мен – Дилфуза Чориева, Қашқадарё вилояти Қамати тумани Бойбўри маҳалласидан мурожаат қилман. 2020 йил октябрь ойида бола пули учун хужжат топширдим. Октябр, ноябр, декабр учун нафақа олдим. Аммо менга қонуний тайинланган нафақа пулининг қолган уч ойлиги тўланмаяпти. Ҳақимни ололмай сарсон бўляпман”.

“Салом. Болалар пули фақат эҳтиёжманд оилаларга берилади экан. Нима учун меҳнат дафтарида юқ бўлиб тадбиркорлик қилиб катта даромад оладиганларга берилади. Меҳнат дафтарида бўлиб кам маош оладиганларга берилмайди. Ахир бу ноҳақликку. Ўзим уй бекасиман операция бўлганман оғир меҳнат мумкин эмас. Хўжайиним ўқитувчи ойлик маошлари 2,5 миллион. Бу рўзгоримизга етмайди. Икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Илтимос, ушбу ҳужжатларга ҳам эътибор бериб, қонунга ўзгартириш киритилишини сўрайман”.

“Самарқанд вилояти Иштихон туманида 700 минг сўм қўлига берсанг, 2 ёшгача “бола пули” ни чиқариб беришади. Ушбу қонунбузарликларни назорат қиладиган ташкилот борми? Қанчадан қанча муҳтожлар “бола пули” ни ололмай сарсон”.

“Бола пули” ни олишга хужжат топширилган. Аммо ҳеч қанақа жавоб йўқ. Орадан 3 ой ўтди нас борлигини айтади, на йўқлигини... Алдам-қўлдам иш экан бу ҳам”

“Ассалому алайкум менинг 3 нафар фарзандим бор. Самарқанд шаҳрида ижара уйда яшаймиз. Хўжайиним — мардикор. Мен уй бекасиман. Фарзандим ёшлиги сабаб ишлай олмапман. “Бола пули” олиш эса муаммо бўляпти. Болага қўшимча овқат олиш керак, таглик, уни эмлашга олиб бориш керак, хуллас, шундай нарсаларга умуман пул ажрата олмапмиз. Ушбу масала юзасидан кимга мурожаат қилишга ҳам бошим қотган”.

“Икки ёшгача бола парваришига бериладиган нафақани олиш учун 6 ойдан буён хужжат тўплайман. Маҳалла раиси айтган хужжатни олиб борсам ҳам ҳар гал бошқасини айтади. Фарзандим ҳам олти ойлик бўлди. Яна шундай овозгарчилик давом этса, икки ёшга ҳам кирди. Аслида, 2 ёшгача тўланадиган бола пулини олиш учун маҳаллага қандай хужжатлар тақдим этилиши керак? Нима учун ушбу жараён тартибга солинмайди. Ҳамон коррупция”.

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг 27 - майида нукуслик бир гуруҳ аёллар “бола пули” берилмагани сабаб кўчани тўсиб қўйгани ва ҳокимлик шу куннинг ўзидаёқ норози аёлларга нафақа пуллари берилгани ҳақида хабар қилишгани. Демак, ушбу муаммо аёлларни норозилик билдиришгача олиб чиқибди. Кўриб турганингиздек, ушбу мурожаатларда фуқаролар ижтимоий ёрдам олиш масаласи ҳамон инсон омили, хусусан, маҳалла раиси ва бошқа мутасаддиларнинг шахсий

танловига боғлиқлигидан кўп ҳолларда азият чекиш ҳолатлари кўриниб турибди. Булар хамир учидан патир. “Бола пули” олиш илнжиди ҳамма тешикка бир-бир кириб чиқаётганлар қанча. Шунингдек, маҳалла раисларининг танлов учун коррупция, таниш-билишчилик ва тамагирикка йўл қўяётганидан бевосита даволат беради. Кўпчилик юртдошимиз хужжатбозликдан чарчаган. Аслида ҳам “бола пули”ни олиш шунчалик кўп хужжат талаб қиладимиз?

Бола пулини кимлар олишга ҳақли?

“Бола пули” болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг яшаш жойи (доимий ёки асосан яшаб турган жойи) бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оила бошлиғи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг ёзма аризаси асосида, бола парвариши бўйича нафақа эса – боланинг онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг аризаси асосида тайинланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори (ҳозирги кунда 679330 сўм)нинг 52,7 фоизидан ортик бўлмаган оилаларга тайинланиши белгиланган.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

Белгиланган шакл бўйича оиланинг таркиби ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ушбу даромадларни тасдиқловчи хужжатлар;

болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа олиш учун – болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари;

асосан яшаб турган жойи бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун — доимий яшаш (доимий прописка) жойи бўйича болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланмаганлиги ва тўланмаганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома;

агар болалар васийликка олинган бўлса – васийлик ва ҳомийлик органининг қароридан кўчирма.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни олиш истаги бўлган ойдан олдинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай берилиши керак.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан тузилган махсус комиссияга тақдим этилган хужжатлар ҳамда оиланинг ҳақиқий ижтимоий аҳолини ўрганиб чиққанидан сўнг, очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Хўш нима қилиш керак?

Авалло, бу жараён инсон омилини йўқотиш зарур. Чунки бу бир-икки йил давом этган жараён эмас. Мутахассисларнинг изоҳ беришича, эндиликда бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш жараёнида маҳалла раиси ёки маҳалладан бошқа киши иштирок этмайди. Уларнинг вазифаси фуқароларнинг хужжатларини қабул қилиш, хужжатда камчиликлар бор йўқлигини текшириб бериш ва 3 кун муддатда туман (шаҳар) пенсия жамғармасига етказишдан иборат бўлади.

Шунингдек, юртдошларимиз ҳам яхши билиши керак, янги тартиб бўйича маҳалла раислари фақатгина тақдим этилган хужжатларни кўриб, камчилиги бўлса, тўлдиришга тавсия қилади ва туман (шаҳар) пенсия жамғармасига етказилади. Уларда тақдим этилган хужжатларни қайтариб юбориш ваколати йўқ. Бу жараёнда қандайдир талаб, шартлар қўйиш, пул талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Одамларимиз шу турдаги ёрдамларни сўраб, маҳалла идорасига мурожаат қилар экан бу қоидаларни яхши билишлари лозим.

“Бола пули”ни ҳаммага берилса...

Амалдаги тартибга кўра, “бола пули” фақат кам таъминланган деб топилган

оилаларга берилади. Эътибор беринг, Ўзбекистонда “бола пули” олиши лозим бўлган оилаларнинг 75 фоизи нафақа олмайди. Бу ҳақда UNICEFнинг “Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш” мавзусидаги ҳисоботида қайд этилган. Унга кўра, Ўзбекистондаги болаларнинг аксарияти кам даромадли оилаларда яшайди. Камбағалликнинг энг юқори даражаси болалар орасида, болаларни тарбия қилувчи катталар ҳамда 80 ёш ва ундан юқори бўлганлар орасида кузатилади.

Шунингдек, қайд этилишича, кам таъминланган оилалар фарзандларининг мактабгача таълимдан фойдаланиш эҳтимоли тенгдошларига қараганда 1,4 бараварга кам.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим олиш имконияти эса тенгқурлариникидан сезиларли фарқ қилади. Ногиронлиги бўлган 7-15 ёшдаги болаларнинг 13 фоизи мактабга бормайди, ногиронлиги бўлган ёшларнинг учдан бир қисми эса таълимнинг бирор шаклида иштирок этмайди.

UNICEF ҳисоботида Ўзбекистонда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам мақсадли дастурининг самарасиз эканлиги сабаблари кўрсатилган. Яъни бола парвариши бўйича нафақа ёки болали оилалар учун нафақа қисқа вақт давомида берилади. Маҳаллалар нафақа маблағларини кўп сонли оилаларга тақсимлашга мажбур бўлишади. Аммо кўплаб оилалар нафақа олишга ҳақли бўлса-да, маблағ етишмаслиги туфайли ёки ҳар хил таниш-билишчилик, коррупция ҳолатлари сабаб нафақа ололмайди, ёки узок вақт навбат кутиб қолади. Яна бир сабаб, кам таъминланганлар учун манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг яхши йўлига қўйилмаганидир. Шунингдек, бола нафақасини олувчилар меҳнат бозорига чикса, имтиёздан айрилиши мумкин. Натижада, оиланинг ўз даромад манбасини кенгайтиришга бўлган иштиёқи пасайиши эҳтимоли бор. Мавриди келганда бир таклифни киритмоқчиман. Ижтимоий аҳолидан катъий назар, ҳамма бола пули берилиши керак. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика “Маҳалла” жамғармаси, “Халқ банки”нинг 2002-йил 8-февралдаги қарори билан тасдиқланган “Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” низом мавжуд бўлиб, унда 2 ёшгача болани парвариш қилиш нафақасини тайинлашни шартлари батафсил кўрсатилган. Шундай экан, 2 ёшгача бўлган ҳар бир болага бола пули тайинланиши мақсадга мувофиқ. Чунки “бола пули” ажратиш айна вақтдаги тизимда фаолият олиб борар экан ҳали ҳамон муҳтож оилаларга ажратилган пуллар етиб бормаслиги тайин.

Муроджон РАҲМАТОВ,
“Жамият” муҳбири